
Видео мурожаат юзасидан Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

"Халқ дарди" телеграм канали орқали Чинобод МФЙда "Силвер Ойл" МЧЖ га қарашли нефт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси бўйича йўлланган видео мурожаат юзасидан Данғара тумани ҳокимлиги матбуот хизматининг расмий жавоби.

Йўлланган видео мурожаат бўйича Фарғона вилояти Экология, атропо муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Данғара туман бўлими давлат инспекторлари томонидан Чинобод МФЙ ҳудудида жойлашган «Силвер Ойл» МЧЖда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар давомида Данғара тумани Чинобод МФЙ ҳудудида жойлашган "Силвер Ойл" МЧЖ га қарашли нефт маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасида видео мурожаатда келтирилган атмосфера ҳавосига ноҳуш ҳидлар тарқалаётган ҳолати аниқланмаганлиги маълум қилинади.

Ҳудудга экологик назорат ўрнатилиб, Жамият раҳбарияти ва масъулларга «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий амал қилиши ва атропо муҳитга зарар етказмасдан фаолият олиб боришлари юзасидан тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилди.

2024-04-27 09:46:19